

## INVESTMENT IN THE TERRITORIAL ECONOMY IS AN IMPORTANT CONDITION FOR PROVIDING PUBLIC EMPLOYMENT

Rakhmatov B. B.

SamSU, Associate Professors, Ph.D.

Davlatov N. N.

SamSU, Assistant

Khodjaev AA

SamSU, 2nd Year Master

Faizullaev Sh.Sh.

SamSU, 1st Year Master

### Annotation

The article examines the concept, nature and types of investment, improving the quality of goods based on investment in the regional economy, the production of export-oriented and import-substituting goods on the basis of statistics.

**Key words:** investment, territory, population, employment, export, import

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 - йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида. "...иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади." (1) – деб кўрсатган эди. Чорак асрдан зиёд мустақил тараққиёт йўлимиз шуни кўрсатаяптики ишлаб чиқаришга инвестиция киритиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш уринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим омиллари ҳисобланади. Иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда энг замонавий технологиялар ва инновацион ғояларни қўллаш орқали импорт урнини босувчи экспортбоп товарлар ишлаб чиқариш учун мамлакатимизда яратилаётган қулай иш билармонлик шароити жаҳон бозорида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган”- деган миллий бриндларнинг сифат жиҳатидан ўз

урнига эга бўлишини таъминлапти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4749-сонли Фармоннинг 3-устувор юналишида «Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш» мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва инвесторларга қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилишга алоҳида эътибор қаратилган.


Инвестиция фаолияти-фойда олиш мақсадида пул ёки бошқа кўринишдаги маблағларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва улардан фойдаланиш жараёни

Ўзбекистон Республикасининг «**Инвестиция фаолияти тўғрисидаги**» қонунининг 3-моддаси Инвестиция (инглизча-investments)-ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки уни кенгайтириш мақсадида турли кўринишда киритилган маблағ.(2)

Инвестиция фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уни аниқ мақсадга йўналтириш учун инвестицияларнинг турлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан бизнинг фикримизча инвестициялар объекти, йўналиши, қамров даражаси, молиявий манбаига кура бир қанча турларга бўлинади.

Инвестиция сифатида киритилган маблағлар, одатда, капитал қўйилмалар –деб ҳам аталади.

### Ўзбекистон Республикасида молиялаш манбалари бўйича асосий воситаларга инвестициялар таркиби, (жами, фоизда)




Жадвал маълумотларига биноан 2017 йил маълумотлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан сал кам 4 мартага кўпайиб, 60 719,2 млрд сўмни ташкил этди. Молиялаштириш манбалари бўйича олганда корхоналар ва аҳоли маблағлари 47,3 % ни, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 12,6 % ни, хорижий инвестициялари ва кредитлари 23,8 % ни, давлат бюджети 4,8 % ни ва бюджетдан


ташқари жамғармалар (тикланиш ва таракқиёт жамғармаси, болалар спортини ривожлантириш жамғармасини қўшган ҳолда) 12,7 % ни ташкил этди.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, чет эл инвесторларига яратилган шарт-шароитлар, хусусан, ўз вақтида меъёрий-ҳуқуқий базанинг шакллантирилгани 2017 йилда хорижий инвестициялар миқдорини 2010 йилга нисбатан салкам 3 марта ортишига сабаб бўлди.


Айтиш жоизки, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминлашда чет эл капитал қўйилмалари ичида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар салмоғининг сезиларли даражада улкан миқдорга эга бўлиши ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки, давлат кафолатисиз мамлакат иқтисодиётига инвесторлар капитал маблағларини йўналтиришлари уларнинг миллий иқтисодиётда фаолият юритиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган барча рискларни (таваккалчиликларни) ўз зиммаларига олганликларидан далолат беради. 2017 йилдаги барча чет эл инвестицияларининг 76 % ини тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келганлиги, яна бир бор, мамлакатимизда қулай инвестиция иқлими яратилганлигини кўрсатиб турибди.



2017 йилда Самарқанд вилоятида молиялаштириш манбалари бўйича асосий воситаларга инвестициялар таркибида корхоналар ва аҳоли маблағлари 68.4 фоизни, қабул килинган маблағлар 31,6 фоиз, давлат бюджети 5.5 фоиз, банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 18,6фоиз, чет эл инвестициялари ва кредитлари 2,8 фоизни ташкил этган.



Жадвал маълумотларига биноан 2018 йилда эса Ўзбекистон Республикасида корхоналарва аҳоли маблағлари 57,5 фоизни ташкил этган ҳолда, 5,3 фоизга пасайиб 42 фоизни ,қабул қилинган маблағлар 52,7 фоиздан 5,3 фоизга ортган, давлат бюджети 0,3 фоизга камайиб 4,8 фоиздан 4,5 фоизга узгарган,банкларнинг кредитлари ва бошқа карз маблағлари 5,2 фоизга ортиб 12,6 фоиздан 17,8 фоизга узгарган, чет эл инвестициялари ва кредитлари 23,8фоиздан 24,3 фоизга узгариб 0,5фоизга ортган.



Самарқанд вилоятида 2018 йилда корхоналар ва аҳолининг маблағлари 10,9 фоизга пасайиб 57,5 фоизни ташкил этган ҳолда, қабул қилинган маблағлар 31,6 фоизни ташкил этиб, 10,9 фоизга кўпайиб 42,5 фоизни ташкил этган. Давлат бюджети эса 5.5 фоиздан 2,8 фоизга камайиб, 2,7 фоиз, банкларнинг кредитлари ва бошқа карз маблағлари 8,5 фоизга кўпайиб, 27,1 фоизни ташкил этган. (3)

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ички иқтисодиётида шаклланган жамғарма маблағларининг миқдори мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми ва истеъмол даражасига боғлиқдир. Хорижий мамлакатлар, хусусан, янги индустриал давлатлар, Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ўсиш даражаси 10 % дан юқори кўрсаткич қайд қилинган даврда мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестициялар салмоғи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан 35-40 % ни ташкил этган бўлиб, уларнинг сезиларли даражадаги ҳажми ички инвестициялар улушига тўғри келган. Ўзбекистонда эса бۇ кўрсаткич 24,4 фоизни ташкил этган.

Буни, **биринчидан**, ички инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, **иккинчидан**, ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш негизида амалга ошириш мумкин.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида қуйдаги таклифларни киритамиз:

- мавжуд ва жалб қилинган асосий капиталдан янада самаралироқ фойдаланиш;
- асосий капитални актив қисмини оширишга доир таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

- асосий капитални ишлатилмаган қисмини ишлаб чиқариш жараёнидан тез муддатларда чиқариш;
- ушбу мақсадда капитал маблағларни инвентаризациядан пухта ўтказиш;
- асосий капитални қайта баҳолашни реал ўтказиш

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси
2. Вазирлар Маҳкамасининг 31-декабр 2014 йилдаги 378-сонли “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”гинизоми
3. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар» тўғрисидаги қонуни, 2006 йил 25 апрел